МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ САМАРАЛИ БОШҚАРУВГА ТАҲДИД

Бугунги кунда металлургия соҳасидаги йирик корхоналар фаолиятида очиқлик, адолат ва масъулият тамойилларига амал қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва маҳсулот сифатини юксалтириш билан бир қаторда, бошқарув жараёнларининг шаффофлиги ҳам барқарор ривожланишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Шаффофлик бўлмаган жойларда аввалambор манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлади. Манфаатлар тўқнашуви шахсий манфаатларнинг хизмат вазифаларига таъсир қилиши натижасида давлат ва жамиятга зарар етказиб, бевосита коррупцияга олиб келади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар бир ишчи - ходим унга қарши муросасиз курашиши шарт.

Йирик металлургия комбинатида ҳар бир қарор молиявий натижаларга, ишлаб чиқариш самарадорлигига ва минглаб ходимлар манфаатига бевосита таъсир кўрсатади. Тендер ва харид жараёнлари, пудратчи ташкилотлар билан ҳамкорлик, кадрлар сиёсати, лавозимга тайинлаш ва рағбатлантириш масалаларида адолатли ёндашув устувор бўлиши шарт. Шахсий муносабатлар ёки ташқи таъсирлар хизмат вазифаларидан устун келишига йўл қўйилмаслиги керак. Бундай ҳолатлар нафақат иқтисодий йўқотишларга, балки жамоа ўртасида ишонч пасайишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Корхонада ички назорат тизимларини кучайтириш, харид ва танлов жараёнларини рақамлаштириш, барча келишувларни аниқ меъёрлар асосида амалга ошириш самарали бошқарувнинг муҳим қисмидир. Электрон платформалардан фойдаланиш, ҳужжат айланишини тартибга солиш ва очиқ ахборот сиёсати орқали турли хавф омилларини камайтириш мумкин. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлайди.

Ҳар бир раҳбар ва мутахассис ўз фаолиятида касбий этика қоидаларига қатъий риоя қилиши зарур. Қарор қабул қилишда холислик, хизмат манфаатларини устувор қўйиш ва жамоа олдидаги масъулиятни ҳис этиш муҳим аҳамиятга эга. Агар муайян вазият шахсий алоқалар ёки манфаатлар билан боғлиқ бўлса, бундай ҳолатни очиқ баён қилиш ва тегишли тартибда кўриб чиқиш соғлом иш муҳитини сақлашга хизмат қилади.

Металлургия комбинатининг барқарор ривожи, халқаро бозордаги нуфузи ва ички ишонч муҳити, аввало, ҳалоллик ва шаффофликка боғлиқ. Манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш орқали биз корхонамизда соғлом иш муҳитини яратамиз, инвестицион жозибадорликни оширишга хизмат қиламиз.

“Ўзметкомбинат” АЖ
Бошқарув раисининг молия – иқтисодиёт
ва трансформация масалалари бўйича
ўринбосари А.И.Турабоев